



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADI'Y, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMO'IY GAZETA

2021-yil 23-aprel / № 17 (4624)

САМАРҚАНД:

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шу йил 15 апрель куни давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрига таширфи чоғида вилоятдаги бунёдкорлик ишлари билан танишувини Самарқанд халқаро аэропортдан бошлади. Зеро, 2019 йили вилоятга таширфи чоғида Президент ушбу аэропортни модернизация қилиш, "ақлли технологиялар"ни қўллаб, шаҳарнинг бетакрор ҳаво дарвозасини бунёд этиши бўйича кўрсатмалар берган эди.

Самарқанд халқаро аэропорти 1967 йилдан буён миллионлаб йўловчиларга хизмат қилиб келмоқда. Эндиги талаб ва эҳтиёж эса бўлакча. Янги лойиҳа доирасида бу ерда катта терминал, учини-қўниш йўлаги, тураргоҳ ва бошқа қудайликлар яратилиб, аэропорт замонавий кўринишга келди. Аввал бир соатда тўрт юз нафар йўловчи сафарга отланган бўлса, янги аэропорт қисқа вақт ичида 800 нафар йўловчига юқори даражада хизмат кўрсата оладиган даражага чикди.

Айни пайтда аэропортда турли катталиқдаги самолётлар учун 24 та тураргоҳ қурилмоқда. Шунингдек, аэропортда карго хизмати ҳам йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юк ташини рақобатбардошлиқни оши-

риш мақсадида вилоятда экспортбоп мева-сабзавотларни етиштиришни кўпайтириб, уларни жаҳон бозори-га чиқариш борасида кўрсатмалар берди.

Янги аэропорт жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топширилди ва "очик осмон" тартибида ишлаш бошлади. Яна бир жихати, бу ерда мингта иш ўрни яратилди.

Кейинги икки-уч йилда Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Имом Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ҳадис илми мактаби, Халқаро Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ва Ислом цивилизацияси маркази барпо этилди.

Президентимиз Самарқанд вилоятига аввалги таширфи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасида бўлиб, ислом дини ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг бобокалонимизнинг оламшумул номига мос қадимнинг янги лойиҳаси билан танишиб, оқсоқоллар, уламолар, туман ва шаҳар депутатлари, жамоатчилик вакиллари янги мажмуа борасидаги фикрларини эшитиб, унинг қурилишини эълон қилган эди.

Янги ёдгорлик мажмуасида тобора сони ошиб бораётган зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди. Мажмуа таркибига кирувчи масжид ички саҳнининг ўзи икки минг квадрат метрдан зиёд. Ҳазрат Имом Бухорий қабрларини зиёрат қилиш шароитлари ҳам яхшиланади.

Мажмуада катта масжид, тўртта минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда хиёбон барпо этилади. Зиёратчиларга қудайликлар яратиш учун етти та меҳмонхона, учта автотураргоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча қурилади.

Самарқанд заминига асрлар давомида оби-хаёт бериб оқётган Зараф-

шон дарёси бўйида икки-уч йил ичида ислом дини ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг бобокалонимизнинг оламшумул номига мос қадимнинг янги лойиҳаси билан танишиб, оқсоқоллар, уламолар, туман ва шаҳар депутатлари, жамоатчилик вакиллари янги мажмуа борасидаги фикрларини эшитиб, унинг қурилишини эълон қилган эди.

Халқимиз учун узоқ йиллар орзу саналган уйлар "Agromir Buildings" масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилди. Ҳозир мазкур уйлардаги 3 минг 588 та хонадонда истикомат қилаётганларнинг 70-80 фоизи ёш оилалардир. Биноларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлиб, хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш тизими билан жиҳозланган. Уйлар эгаларига тайёр ҳолда топширилмоқда.

Умуман, Қорасув мавзесида бир юз ўн олтига кўп қаватли уй, шунингдек, 1 минг 600 ўринли мактаб, 120 ўринли болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо дўконлари, спорт майдончалари барпо этилди. Айни пайтда яна еттига ўн олти қаватли, иккита йигирма беш қаватли уйлар қурилмоқда.

► 2



БЕТАКРОР САНЪАТКОР

Буюк санъаткор Ботир Зокировнинг ижодисиз ўзбек қўшиқчилик санъатини тасаввур қилиш мушкул. Ўзбек миллий эстрада санъатининг тамал тошини қўйган санъаткор ижоди ҳамоно бизни ҳайратга солиб келади. Шу ўринда эслатиб ўтиш ўринли деб ўйлайман: бетакрор Тамарахоним эстрадамизнинг, яъни фольклор йўналишидаги эстрада санъатининг тамал тошини қўйган инсон сифатида тилга олинади.

Хўш, нима учун бу икки санъаткорнинг номини бирга тилга олайман? Сабаби, Ботир Зокиров Тамарахонимнинг оз бўлса-да, таълимий олган. Ботир ака у кишини "Менинг иккинчи онам", деди. Тугилган кунларида қўларидида катта гудаста билан кириб келиб, "Менинг онажоним", деб кўришганлари ҳамоно кўз ўнгимда. Тамарахоним ҳам Ботир акани жуда яхши кўрарди. Чунки Ботир Зокиров санъат оламини, таъбир жойи бўлса, улкан ёрқин юлдуздек юксак тезликда кириб келди. Нур таратиб, ёруғлик сочиб, афсуски, шундай тезлик билан бу дунёдан ўтиб кетди. Жуда қисқа умр кўрганга қарамай, ўзбек эстрада санъатини дунёга намойиш этиб улгурди.

Бу санъаткорнинг энг катта ютуғи Мутал Бурхонов, Иқром Акбаров, Эмарк Салихов каби профессионал композиторлар билан ҳамкорликда ижод қилганида. Ҳақ талабчан композиторлар билан ишлаган Ботир аканинг ўзи ҳам талабчан ижодкор эди. Шунинг учун унинг қўшиқлари ҳамоно севилиди, ҳамоно дилтортар. Бугун ҳам "Мафтун бўлдим", "Газли", "Раъно", "Ҳаёлимда" каби қўшиқларсиз ўзбек эстрадасини тасаввур қилиш мушкул. Тинглаганинг сари сени ўзига охаррабодек тортаверди.



► 5

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шoirи

ИҚРОР

О, ота маконим, Онажон ўлкам, Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга. Сендай меҳрибон йўқ, Сенингдек кўркам. Римни алишмасман бедапоянга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар, Қанча юртин кўрдим, қанча тақдирлар. Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб, Тоғларнинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин, Ё худбинман мен ё бир содда касман мен — Парижнинг энг гўзал рестороанларин Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин, На тил байлаин, Кўздан уйқу кочди, дилдан ҳаловат — Уч кунда соғинсам нима қилайин, Чала колар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улугим ўзинг, Билдимки, яқини шу тупроқ менга. Баҳорда Бахмалда тугилган кўзинг, Араб охусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм, Сениз бир он қолсам ваҳимм келди. Сени билганларга қиламан таъзим, Сени билмасларга раҳимм келди.

► 5

ЯНГИ АДАБИЙ МУЗЕЙ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи очилиши муносабати билан адабий пресс-тур — музейга саёҳат уюштирилди. Ахборот хизмати томонидан ташкил этилган таббирда ёзувчи-шоирлар, ёш ижодкорлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ҳамда "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқиб, адабиёт ва санъат ривожига хизмат қилаётган салмоқли ишлар амалдаги ислохотларнинг катта қисмини ташкил этишини таъкидлашди. Зеро, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи ва маъмурий бинолари, қолаверса, мамлакатимиз пойтахти ва вилоятларда адиблар хотирасига ўрнатилган ёдгорликлару Исҳоқхон тўра Ибрат, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева номи билан аталувчи ижод мактабларининг ташкил этилгани айни фикрнинг далилидир.

— Ёзувчи-шоирларнинг умри фақат турли шеърлару хикоялар ёзишдан иборат эмас, — деди Аҳмаджон Мелибоев музейнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан. — Улар ҳаётда ҳам ўзига ҳос рамзий кунлар ва тунлар бор. Масалан, Мирзакалон Исмоилий "Фарғонада тонг отгунча" романини камокда ёзган. Озод

этилаётган пайтда асарнинг сўнги боби тугалланмай қолган. Шу боис адиб камокхона маъмуриятдан яна йигирма кун хиёбда ушлаб туришларини сўраб, илтимоснома ёзган. Мана шундай зиддиятли сиёсий қарашлар ва мафқуравий қурашлардан иборат ўзбек адибларининг ҳаёти ва ижодидан хикоя қилувчи адабий экспонатлар кизиқарлилиги билан ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Дарвоқе, 2017 йил 18 апрелдаги Президент қарорига мувофиқ ташкил этилган музейдан ўзбек адабиёти равнақида улкан ҳисса қўшган 56 нафар марҳум ёзувчи-шоирнинг ҳаёти ва ижоди олд адабий экспонатлар кенг ўрин олган.

— Экспонатлар орасида 1910 йилдан 2021 йилгача бўлган бир асрлик адабиёт тарихини ўзида ақс эттирган ҳасос ижодкорларнинг китоблари, қўлёзмалари, ҳужжатлари, сурат ва портретлари, эски газета-журналлардан фотонусхалар, иктибослар ҳам бор, — дейди музей раҳбари Мунира Рамазонова. — Айниқса, жадилару қатагон қурбонлари,

Уюшма тарихидаги раҳбарлар ҳамда Қаҳрамон шоир-ёзувчиларнинг тарихий ҳужжатлари, гувоҳномалари, фахрий ёрликлари, турли миллат вакиллари билан ўзаро адабий, маънавий алоқаларига доир фотосуратлар мазкур йўналишда илмий иш қилишни истаган ёш тадқиқотчиларга бой манба бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Учтепа тумани "Чўпон ота" маҳалласида аҳоли орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, мутолаа маданиятини кучайтириш мақсадида адабий учрашув ўтказилди.

Таббирда "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси муҳаррири Салим Ашур, "Шарк юлдузи" журнали муҳаррири Сирожиддин Рауф қатнашди. Қизгин суҳбат ҳамда шеърхонлик руҳида кечган учрашувдан сўнг маҳалла ёшлари ва уларнинг ота-оналари-га китоблар улашилди.

Шухрат АЗИЗОВ

ЁШЛАРНИНГ ИЛК КИТОБЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида етти нафар ёш ижодкорнинг илк китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Ёзувчи-шоирлар, драматурглар, адабиётшунос олимлар, таржимонлар ва ёш ижодкорлар иштирок этган таббирда муаллифларга қалам ҳақлари ҳамда ўз китобларидан намуналар тақдим қилинди.

— Ёшлик бу — галаба, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ёш каламкашларни қўлар экан. — Мухтарам Президентимиз томонидан сиз ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар,

шарт-шароитлардан, қолаверса, инсонга бир марта бериладиган ёшлик неъматидан унумли фойдаланиб, Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшсангиз, ҳаётингизга мазмун, турмушингизга файз-барака

кирирсангиз, чин маънода галаба қозongan бўласиз. Устозлар ибораси билан айтганда, адабиётнинг атомдан қудратлироқ кучини ўтин ёришга эмас, она-Ватан, злу юрт хизматида сарф қилсангиз, умид қиламанки, умидингизга етгайсиз.

Маълумки, Республика ёш ижодкорларининг "Зомин — 2018" семинарида иштирок этган ёшлардан 37 нафарининг асарлари саралаб олинди, "Ижод" жамоат фонди томонидан илк китобларини чоп этиш



режалаштирилгани. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида улардан 30 нафарининг, 16 апрель куни эса, сўнгги етти нафарининг биринчи китоблари тақдимоти ўтказилди.

Таникли ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад, адабиётшунос Суворон Мели ҳамда шоир Нодир Жонузок сўзга чиқиб, илк китоб кувончидан масрур Ф.Хасанов, Ш.Эргашалиев, Ж.Саид,

Т.Жуманова, О.Комилов, Р.Ғўчиёва, Д.Рўзиқулов сингари ёшларни бундан кейин ҳам берақали ижод қилишга руҳлангоришиди. Тақдимотдан сўнг Уюш-

ма аъзолигига қабул қилинган 9 нафар ижодкорга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ш.МЕНҒЗИЁЕВ

Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги
БУЮК САНЪАТКОР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ботир Зокиров феноменининг асосий хусусиятларидан бири бир неча соҳада — хонандалик, рассомлик, актёрлик, ёзувчиликда ўта профессионал ижод қилганида, деб биламан. Тўғри, у бу соҳаларда кўплаб асарлар яратишга улгуролмади, лекин биз бугун бахраманд бўлиб турганларимизнинг ўзбек истеъдодининг юксаклигидан далолат бериб турибди. Бундай серкира ижодкорни хали учратмадим.

Энди Ботир Зокировни нима учун яқиндан танишим ҳақида тўхталиб ўтсам. Аввало, бобом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Мухаммад Холмухамедов Ботир аканинг ота-оналари билан ўтган асрнинг ўттизичинчи йилларида Бокудан ўқиган. Бирга ишлаган, онам Санъатхон Холмухамедова 1945 йилдан 1952 йилгача Мукимий номидаги театрда ишлаганлар. Жура чиройли кўшиқлар айтганлар. Онамининг овозлари билан таникли наъичи Абдуқодир Исмоилов шуғулланган, мумтоз кўшиқларни, дутор чалишни ўргатган. Онам бобом билан бирга Мукимий номидаги театрда бориб юрганлар.

Карим Зокиров ҳам шу ерда ишлагани учун онам Ботир Зокиров билан гастролларда бирга бўлганлар ва бир-бирларини яхши танишарди. Кейинчалик ҳам эски консерватория биноси орқасиди уйларида Ботир Зокировлар хонадонини билан яқин яшаганмиз. Ўша пайтда Успенский номидаги мусика мактабига ўқирдим, Ботир акани кўчада кўп кўриб турардим. Жура маданиятли инсон бўлиб, кўркам кийиндилар. Хар доим образда юрардилар. Онамининг кўриб қолсалар, кўчада соатлаб гапилашарди. "Бир куни уйга келсам, оқ костюм кийган, хар доимгидек кўркам кийфада Ботир ака ўтирибдилар. Ана шу куни хонандани биринчи марта яқиндан кўрдим. Ёнларида консерваторияда дарс берадиган тоғам, биринчи академик ғижжакчи Обид Холмухамедов ҳам ўтирибдилар. Онам ош дамлаган эканлар. Тоғам пианинода куй чадиллар. Ботир ака "Санъатхон, айтгин, овозингни эшитай", дедилар. Бу пайтга келиб онамининг овозлари "ўтириб қолган" бўлишига қарамай, "Галдир" апуласини хиргойи қилиб бердилар. Бу Ботир ака билан уйимиздаги биринчи учрашув эди.

Иккинчи учрашув ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида бўлди. Ўшанда 15-16 ёшларда эдим. Дони Зокиров, Мардон Насимов, Набижон Ҳасанов, Мутал Бурхонов


— булар бобомни, дадамни, тоғамни, онамни яхши танишарди. Тутилган кунлар бўлса, дастурхон ёзиларди ва албатта, улар уйимизга келишарди. Лекин бу даврада Ботир ака бўлмасди. Ўша куни кичик укам Тolibжоннинг тутилган куни эди. Ҳамма йнзилган, Мутал Бурхоновни кутиб ўтирардик. Бир маҳал Мутал ака Ботир Зокиров билан бирга кириб келдилар. Улар бирга Ҳофиз газали билан айтиладиган "Намедонам, чи ном дорад" "Исмини билмайман" романи устида ишлашгаётган экан. Мутал ака "Мен Дарвинжоннинг, Санъатхонларнинг уйига боришим керак", десалар, Ботир ака "Э, Санъат опанкига бўлса, бирга бораман", деб келаверганлар. Биз учун Ботир аканинг кириб келиши кутилмаган воқеа бўлган. Айниқса, мен шунангидан хайрон қолганман, шундай хурсанд бўлганман... Уйимизга гўё куёб кириб келгандай бўлди-да. Ўша кунги даврада жура чиройли гаплар бўлган. Шу



ерда ҳам Мутал ака билан Ботир ака Ҳофиз газали асосидаги роман устида бахшлашиб ўтирибди. Хуллас, Ботир ака шу кўшиқни кўп йиллар айтганлардан юрдилар. Охири, кўшиқни ёздирдилар. Ва бу санъаткорнинг сўнги ёзилган кўшиғи бўлиб қолди. Ботир ака уйимизга келган куни фортепиано учун "Бибихоним" деб номланган асарим ва биринчи ёзган "Лола" деган кўшиғимни кўрсатганман. "Бибихоним" асарига тасаннолар айтишди. Вокал санъатига ижодимни энди бошлаётган пайтим эди. Ботир ака ва шу ерда ўтирган бошка композиторлар бу ижод намуналарини Композиторлар уюшмасига олиб боришни тавсия қилишди. Лекин яхши кўшиқ яратиш учун шеърятни яхши билиш, кўпроқ шеър ўқишим кераклигини айтишди. Мен ана шундай буюк ижодкорлар муҳитидан бахраманд бўлган бахтли инсонман. Зеро, ижодкор ҳаёти ва фаолиятида муҳит катта роль ўйнайди. Бир

кунга ўша пайтдаги Свердлов концерт залига "Ялла" ансамблининг концертига келганмиз. Билет қолмаган экан. Нима қилишни билмай турганимизда Ботир ака келиб қолиб, бизни концертга киритиб юборганлар. Ўшанда Ботир Зокировнинг ва "Ялла"нинг кўшиқлари менда катта таассурот қолдирган. Уларнинг кўшиқлари, шубҳасиз, ижодимга таъсир қилди. Умуман, Ботир аканинг ҳаёти, санъатга муносабати, ижрочиликка юксак мезонлардан туриб ёндашиши биз учун, бугунги ёшлар учун намуна бўлиши керак. Ишонч билан айтаманки, Ботир ака қахрамонона ҳаёт кечирди. Оғир касал эканига, кўп марта тиг остида ётганига, хар канча кийинчиларга қарамай, яримта ўпка билан кўшиқ айтиш учун инсонга жура катта матонат керак. Айнан шу аҳволда бетақор кўшиқлар яратганига қойил қолмай иложи йўк. Энг асосийси, Ботир ака ўзбек санъатини дунёга намойиш этди. Франциядаги Олимпия залида ниятда тоза талаффуз билан французча кўшиқлар айтди, олижаноблиги, фидойилиги, юксак интеллект билан ўзбек миллий эстрада санъатини юксалтиришга муваффақ бўлди. Афсуски,

«КАПАЛАКНИНГ ҚАНОТИГА КЎМИНГЛАР...»



— Биз ҳаммамиз зўрмиз, — деб гап бошлади Мухаммад Юсуф "Шухрат" медали олгани муносабати билан бераётган интервьюсида. Ва бир зум биз — "зўрлар"га кўз қирини ташлаб қўйди, чиндан ҳам у пайтда ҳаммамиз ўзимизча зўр эдик. Ҳаммамиз унга тикилдик. — Лекин зўрлан зўр чиқса... — Оқсарой томонга ишора қилди, — тан беришимиз керак, — деб сўзини тугатди ва истиклол ҳақида шеър ўқиди.

Ўшанда Мухаммад Юсуфнинг шоирона топширлиги, ўқиган шеърига тан берган эдик.

Вақт дарёси канча баҳорларни окизиб кетди... Ҳали ҳамон Мухаммад аканинг ўша "ҳаммамиз зўрмиз", деган сўзлари худди бир илоҳий эпкин каби айланаб юргандай... "Анна-на" ва "ванна" ни қоя қиладиган "шоир"лар кўпайса кўпайдики, асло қаймамади. Улар ёзган бир мисра ёки бирор ўхшатиш ёдингизда қолмайдиган тижорат асосида ўзлари чиқарган китобларини "сотиб олинг", деб ўзлари тавсия қилишдан хижолат бўлмайдиган, уялмайдиган, ор қилмайдиган мавқега кўтарилдилар. Мухаммад Юсуфнинг "кўшиқлари" кўп сохта кўшиқчиларни айтмайсизми? Бир пайтлар ўткнчи доврақларига ўзлари махлиё бўлган Мухаммад Юсуфнинг бир-икки шеърини кўшиқка солиб "уни биз танитаямиз", деб кўкрагига урган Ҳофизларни танитайдиган, тан олмайдиган авлод дунёга келди.

Ҳали ўқишни, ёзишни билмай туриб Мухаммад Юсуфни ёд биладиган чучук тили болаларга ҳаваси келди одамнинг. Ёшларнинг бирор учрашувини, йнғини, мажлисини, анжумани унинг шеърларисиз ўтмайди ҳозир.

Истиклолга эришмай туриб ҳам шеърлариде истиклолни, озодликни, ҳурриятни, эркин куйлаган ҳам Мухаммад Юсуф эди. Истиклол эълон қилиндио Мухаммад Юсуф том маънодаги истиклол шоири эканини ҳаётининг ўзи, замонининг ўзи исботлади. Мухаммад Юсуф шеърлари шунчаки қоғозда қилиб кетадиган шеърлар эмас, бильакс бутун халқимизнинг, мустикаллимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг маънавий кучига, маънавий таъинига айланади. Ёшлар ҳаётда ва турмушда дуч келган кўпгина саволларга Мухаммад Юсуфнинг мисралари, иборалари, бутун-бутун шеърлари билан жавоб беришни ўргандилар.

Шоирнинг капалак, долақизғалдоқ, ялпиз, ок терак, мажнунтол, ёмғир... умуман, таби-

атта, баҳорга шеърини мувожаати алоҳида бир мавзу.

М.Юсуф халқона, ўқувчилар оммасига худди яшиндай тез етиб борадиган, содда, куйма сатрлари билан бирга ниятда бетақор, оригинал, ўзига хос шеърларнинг ҳам ижодкори эди. "Отам — ок терак", "оном — мажнунтол", "укам — бургутдур", "табассум чакмоқлар", ёмғирлар — кўз ёшимдир", "оном — ялпиз", "сингим — бағри кон лола", "қоплон — қариндошимдур", дейди шоир ўз шеърларида. Унинг "Тунда шеър айтишдек..." деб бошланадиган шеърини эсланг. Фақат Мухаммад Юсуфга ёза оладиган, фақат у ёза ярашадиган шеър. Фақатгина Мухаммад Юсуф "капалаклар одамларини меҳрибон... ўлсам... капалакнинг қанотиға кўминглар", деб ёзишга, шундай деб назмий васият қилишга журъат қила оларди.

Ҳайбулла ас-Салом устозим эди. Ҳайбулла ака мен учун шахар зугумини ўтказма олмаган, шахарнинг нуқси урмаган ноёб инсонлардан эди. Мен илк бор Мухаммад акани устозининг хонадонидан кўрганман. Мухаммад Юсуфнинг ўзи билан яқиндан танишиш, суҳбатларидан бахраманд бўлиш шундан бошланган. Ишонаманки, Мухаммад Юсуфни мендан ҳам яхши биладиган дўсти-ёрлари жура кўп эди. Мен у кишининг душманлари борлигини орқаваротдан эшитганман лекин бир нарсани аниқ биламанки, унинг душманлари билан ишيام, вақтиям йўқ эди. Хар қандай ҳодиса, хар қандай ўзгартиш, хар қандай янгиликка Мухаммад Юсуф шеърини муносабат билдирарди. Ҳеч нарса унинг шеърини нигоҳидан четда қолмасди. У шунчалар машхур, таникли эдикки, кўчада, бекатларда, бозорларда уни танишар, тўғридан-тўғри ёнига келиб саволга туттилар ва ҳамма жойда унга меҳр ва хурмат билан муносабатда бўлишарди. Бир куни келишган бир жувон Мухаммад акани савол бериб тўхтади.

— Куйганмисиз? Нега бунча куйган шеърлар ёзасиз?

— Бошқача ёзолмайман.

Мухаммад деса, жониниям берадиган муҳлис инит-қизларнинг сон-саногини йўқ эди, у гулларнинг қуршомида қолиб, гулларнинг асир бўлган мағрур коя эди, гўёки. Ундан бошка одам бундай муносабатни, бундай оғир юкни кўтарма олмади, балки. Шоир бу муносабатларни қалплар, улариға шеърини жавоблар ёзди, мен кўп қолларда Мухаммад Юсуфга устозимнинг соддалигини, бағри кенглигини, иложи борича ўзгаларга ёрдам бераю бошқаларга оғирлигини туширмасам, деган камтарлиқни кўрардим. Чиндан Ҳайбулла ака табиий ҳолда тантилиқда, одам айирмасликда, эшигидан ҳеч кимни қайтармасликда Мухаммад акага ўхшаб кетарди.

Бугун Мухаммад Юсуф шеърлари ўзининг моҳияти эътибори, долзарблиги, ўлмаслиги билан, ҳаминша лаббай, деб қаторда туриши, майдонга чика олиши билан "Замонамиз қахрамони" даражасига кўтарилди. Шеър, шеърини ҳам замонамиз қахрамони бўлиши мумкинми, деган, саволга эса мен "ха" деб баралла жавоб бераман.

Рахмон ҲОЖИМУРОД

Айни кунлар Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар зали ёнидан ўтсангиз, ижод манзаранинг гувоҳи бўласиз. Кўргазмалар зали хибони гэвол билан шугулланган ёш рассомлар, ҳунармандлар билан савжум. Йигитлар, қизлар дугонасини, дўстини, яна кимдир атроф-муҳитни тасвирлаш билан машғул. Ёш кулол чархни завқ билан айлантиради, талаба-ҳайкалтарош эса ускунага ўрнатилган ҳайкални тарошлаш билан банд. Бу манзаралар куни кеча пойтахтимизда очилган "Анги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остидаги аънавий Халқаро "Тасвирий ва амалий санъат фестивали" кундалигидан бир лаҳза.

Анжуман Камолдин Бехзод ҳайкали пойга гул қўйиш маросими билан бошланди. Байрамона тус олган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуридинов санъат ҳафталигини ўтказишдан қўзда тутилган максал ҳақида гапириб, иштирокчиларга муваффақият тилди. Ўн тўртинчи марта ўтказилаётган фестивалнинг нуфузи ҳам ошиб бормоқда. "Ёшларни кўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахамлаш йили"га бағишланган тадбирда ҳафта давомидики таникли рассомлар, ҳайкалтарошлар, ҳунармандлар, кўлигул усталар сара асарларининг кўргазмаси, устоз-шоғирд дарслари, кизикарли учрашувлар бўлиб ўтди.

Марказий кўргазмалар залининг биринчи қаватида очилган экспозициядан Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби ўқитувчиларининг турли йўналишдаги амалий санъат намуналари ўрин олган. Гўзал Нуридинов асарларидаги нафакат моҳирона тикилган кашгалар, балки жозибали шаклар, ранглар уйғунлиги ҳам эътиборни тортади. Унинг "Кўзумучок", "Орзу", "Илҳом" каби асарлари муҳлисларда катта кизикниш уй-

ри танловнинг совринли ўринларига, тўккиз нафари рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлишди.

Фестивалнинг биринчи куни Тошкент фотоуратлар уюнда Рустан Бозоров ва Умар Ражабовнинг "Менинг шахрим" номили кўргазмасининг очилиши билан якунланди. Фестивалнинг иккинчи куни Камолдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида "Шарқона сюжет" деб номланган кўргазманинг очилиши билан бошланди.

АПРЕЛЬ РАՇҒЛАРИ



Экспозициядан таникли миниатюраларчи рассом Ниезали Холматов асарлари ўрин олган. Рассомнинг "Бобур — шоир, саркарда ва олим", "Мусо алайҳиссалом мўъжизалари" каби туркум асарлари томошабинларда юкми таассурот қолдирди. Марказий кўргазмалар залида намойиш этилган Республика энг кизикарли лойиҳалардан бири бўлди.

Марказий кўргазма зали олди амалий санъати асарлари ижодий талови билан фестивалнинг учинчи куни бошланади. Марказий кўргазмалар залида амалий санъат усталарининг ганч санъати, ёғоч ўймакорлиги йўналиши бўйича маҳорат дарслари ҳамда "21

манзаралар чизишмоқда. "Витраж ойнага гул чизиш санъати нозиклиги билан ажралиб туради, — дейди рассомлик мактаби 11-синф ўқувчиси Мухлис Рахматжонов. — Бу санъат сабр-тоқатни талаб қилади. Агар бўёғи кўп ёки кам бўлиб қолса, қайта тузатиб бўлмайди." Ҳайкалтарошлар орасида ҳам ижод кизгин бормоқда. "Беш ёшимдан бошлаб пластилиндан турли ҳайкалчалар ясардим, — дейди Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Абдуқолиқ Ортиқбоев. — Асосан қахрамонининг ички кечинмаларига эътибор қаратаман. Илҳом Жабборов, Азамат Ҳотамова асарларини кузатиб бораман. Ҳайкал ясагининг сирини нимада, деб сўрашди. Менинчга, мукамал расм чиза олган рассом ҳайкал ясаши мумкин. Анатомиа, геометрия, фалсафани чуқур ўзлаштириш лозим."

Устозлар шоғирдлари ишини кузатдилар. Таникли ҳайкалтарош, рассом Азамат Ҳотамов: "Бу каби фестиваллар, аввало, ёшлар ва мураббийлар учун жура муҳим. Фестиваль давомида янги талантлар кашф этилади, уларнинг ижодига яқиндан назар солиш имкони туғилади. Рассомлар билганларини ёш ижодкорларга меҳр-мухаббат билан ўргатишларига умид қиламан. Зеро, устоз-шоғирд аънавалари бардавом экан, тасвирий санъат гуллаб-яшнайдир", деди фахр билан. Халқаро маданият қарвонсаройида "Камолдин Бехзод издошлари" миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий талови билан фестивалнинг учинчи куни бошланади. Марказий кўргазмалар залида амалий санъат усталарининг ганч санъати, ёғоч ўймакорлиги йўналиши бўйича маҳорат дарслари ҳамда "21

Сарвара ҚОСИМОВА

